



## ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> October 2021

Accepted: 10<sup>th</sup> October 2021

Online: 15<sup>th</sup> October 2021

## KEY WORDS

*the businessman, business, resources, competition, management, the market, economy, efficiency.*

## QUESTIONS OF EFFECTIVE DEVELOPMENT USE OF PRODUCTIVE RESOURCES IN PREDIRINATIVE ACTIVITY

**Kamoliddinov Ilhomjon**

Senior Lecturer,

Department of Management,

Namangan Institute of Engineering and Technology

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5584316>

## ABSTRACT

*In the article discusses the problems of developing the effective use of production resources of entrepreneurship, ways of solving them, and the main directions of development in the future.*

Кириш. Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва глобаллашув йўлидан бораётган жараёнда янгича фаолият олиб бориш ва янгича фикрлаш услубларини талаб этмоқда.

Шу боис мамлакатимизда қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодийнинг барча соҳаларини ҳамда турли мулк шаклидаги корхоналарни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда кўплаб бошқа давлатларда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга, улар учун кенг

имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Шу боис, иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик фаолияти учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган иқтисодий ресурсларини топиш, эгаллик қилиш ва улардан самарали равишда фойдаланиш йўналишида кенг имкониятлар берилиши тадбиркорлар фаолиятини янада самарадорлиги ортишига эришилмоқда.

Маълумки, тадбиркорликни кенг ривожлантириш масаласида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бўлини бўлиб, хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик қатламини шакллантириб бориш масалалари билан мамлакатимиз ҳамда жаҳондаги кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар шуғулланганлар.



Тадқиқот методологияси. Ушбу масалаларнинг илмий-методологик назарий жихатлари буюк иқтисодчилар томонидан ўрганилган. Иқтисодчи олимлардан дастлабки тадқиқотлари XVIII асрда Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б. Сей каби олимларнинг илмий-тадқиқотларида тадбиркорлик фаолияти ўрганилган, тадқиқ этилган. Бироқ, ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “Тадбиркорлик” тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича А.О.Блинов, М.М.Максимцев, В.Я.Горфинкел, Е.М.Купряков каби россиялик иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида мавжуд ресурслардан фойдаланиш бўйича С.С.Ғуломов, М.Р.Болтабаев, А.А.Хаджимуратов, У.В.Ғофуров, Ш.И.Мустафақулов, С.Н.Усманов, О.С.Казаков ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларни ўтказганлар ва ривожланиш бўйича қатор йўналишлар ишлаб чиққанлар. Ушбу олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва таклифлари

иқтисодиёт ривожини таъминлашда катта таъсир кўрсатган.

Натижа ва муҳокамалар. Ушбу илмий ишлар ва тадқиқотларда ўрганилган масалалар катта самара бермоқда. Яъни, тадбиркорлик фаолиятини янада жадал суръатларда ривожлантириш учун қатор имкониятлар мавжуд бўлиб, уларни ҳаракатга келтириш кичик бизнеснинг иқтисодиётга таъсирини орттиришга олиб келади. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратиб ўтилди: “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларида яшайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади”<sup>1</sup>.

Қуйидаги 1-жадвалда Наманган вилояти ва унинг ҳудудларида иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида кичик бизнесни тутган ўрни ва улуши келтирилган.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши % да<sup>2</sup>

1-жадвал

2021 йил 1 январ ҳолатига

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

<sup>2</sup>Вилоят статистика бош бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тайёрланган.



№	Шаҳар ва туманлар номи	Чакана савдо айланмаси	Қишлоқ хўжалик ялли маҳсулоти
1	Наманган ш.	91,7	87,0
2	Мингбулоқ	98,1	94,3
3	Косонсой	99,1	95,9
4	Наманган	96,0	97,9
5	Норин	94,8	98,8
6	Поп	93,2	97,5
7	Тўрақўрғон	93,9	99,6
8	Уйчи	87,0	98,3
9	Учқўрғон	93,7	98,6
10	Чортоқ	89,9	99,6
11	Чуст	59,5	99,7
12	Янгиқўрғон	97,3	99,8
Вилоят бўйича		90,4	97,3

Ушбу жадвал маълумотлари вилоятимизда иқтисодиётнинг ривожлантириш тармоқларидан кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти юқориликдан далолат бермоқда. Энг юқори улуш қишлоқ хўжалигида бўлиб, унда кичик бизнеснинг тутган ўрни 97,3 фоизни ташкил этмоқда. Барча ҳудудларда 94-98 фоиз даражасида бўлиб турибди. Фақатгина, Наманган шаҳрида нисбатан пастроқ бўлди, яъни 87,0 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари Вилоятимиздаги чакана савдо айланмасини кўрадиган бўлсак, 2021 йил январ ҳолати вилоят бўйича чакана савдо айланмаси 94,4 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич Чортоқ туманида 89,9 фоиз,

Чуст туманида 59,5 фоиз, Уйчи туманида 87,0 фоиз даражада кичик бизнеснинг ўрни паст улушда бўлиб турибди. Мингбулоқ, Косонсой, Наманган ва Янгиқўрғон туманларида эса чакана савдо айланмаси бўйича кичик бизнеснинг ўрни юқори бўлиб турибди.

Шундан маълумки, вилоятимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шу боис бу имкониятлар биринчи навбатда ишлаб чиқариш ресурсларини топиш ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни



ривожлантиришга мамлакатимизда қулай имкониятлар яратилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар бу соҳада мавжуд. Булар қаторига:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мавжуд имкониятлар ва иқтисодий ресурслардан фойдаланиш бўйича кўникмаларини ривожлантириш;

- тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш соҳасида янада кенгроқ эркинлик бериш;

- кичик бизнесни ривожлантиришда тадбиркорларни ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишлари самарасини ошириш мақсадида уларни ўқитишни ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятларни ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий имкониятларни янада кенгроқ яратиш бериш.

- тадбиркорлик, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқилган сифатли маҳсулотларни харид қилишдаги бир қатор муаммолар;

Шунингдек, Конституциясида хусусий мулкка алоҳида эътибор қаратилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани алоҳида қайд этилган. Шунингдан ташқари олишимиз ва доимо эътиборда тутишимиз керакки, бугунги кунда ҳам аҳоли маълум бир қисмининг хусусий мулк, тадбиркорлик, даромадларнинг шаклланиши тизимининг эркинлигига

салбий муносабатда бўлиши ҳоллари учраш кузатилмоқда.

## **Хулоса ва тавсиялар.**

Хулоса ўрнида шу айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига самарали бошқарув нуқтаи назаридан жиддийроқ эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Бу ўринда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўз фаолиятларини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга қўшимча имкониятлар ва ёрдам беришини тушунтириш;

- тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида, бошқарув фаолиятини қўллаш учун маслаҳат марказларини ташкил этиш;

- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланувчиларнинг илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш;

- мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни амалга оширишда маълумотлар базасини шакллантириш;

- ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулот рекламасини ташкил этиш ва йўлга қўйиш;

- тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича



маълумотларини интернетга  
жойлаштиришда кенг имкониятлар  
яратиб бериш;

- кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорларни ярмарка ва товар  
кўргазмаларида қатнашишини тўлиқ  
таъминлаш ва унинг таъсирини кенг  
кўламда мониторинг қилиш.

Шу боис юқоридагилардан келиб  
чиққан холда хулоса қилиб яъни, бу  
юқорида қайд этиб ўтилган чора-  
тадбирлар амалга оширилса,  
иқтисодий ривожлантиришда  
тадбиркорлик субъектлари фаолиятида  
ишлаб чиқариш ресурсларидан  
самарали фойдаланишларида катта  
имкониятлар яратилади ва шу билан  
биргаликда, кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорлик фаолиятини

ривожлантиришда бошқарув  
самарадорлиги асосий ўринни  
эгаллайди. Бу эса, тадбиркорлик  
соҳасида қабул қилинган қарорларнинг  
самарали бўлиши билан бирга, кичик  
бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
харакати самарадорлигини янада  
оширади ҳамда иқтисодий  
ривожлантиришда тадбиркорлик  
субъектлари фаолиятида ишлаб  
чиқариш ресурсларидан самарали  
фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш  
корхоналарининг барча фаолият  
турларини ташкил этишни,  
ривожланиши ва рентабеллигини  
таъминланишига олиб келади ва шу  
билан бирга иқтисодийтимиз учун  
истиқболли соҳалар ривожланиб,  
мамлакатимиз тараққиётини янада  
юқори босқичларга кўтаради.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон ““Ҳар бир оила - тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 07/08/377/1325-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сонли “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2008. 340 с.
6. RistovskaKaterina, RistovskaAneta, Conferencepaper, “Theimpactofglobalizationonthebusiness”
7. OlimSabirovichKazakov,&IlhomMahamadjanovichKamoliddinov. (2021). SOME QUESTIONS OF INCREASE OF EFFICIENCY IN ACTIVITY ENTERPRISE SUBJECTS. Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 160-169. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a24>



8. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Архив научных исследований, 1(2).извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3729>
9. Kazakov, O. S., & Ahmedkhodjaev, X. T. (2017). Fundamentals of management. Tashkent, Ilm-Ziyo.
10. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). THE DIGITAL ECONOMY: ADVANTAGES AND RISKS. Journal of Central Asian Social Studies, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>
11. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. Journal of Family Business Strategy, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.
12. Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // Помощь бизнесу. - <http://bishelp.ru/>
13. Chrisman, J. H., Chua, J. J., Sharma, P. (1998). Important Attributes of Successors in Family Businesses: An Exploratory Study. Family Business Review, 11(1), 19-34. doi: 10.1111/j.1741-6248.1998.00019.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016, – 1056 с.
15. Nabijanovich, D. B. (2019). Issues of support and stimulation of exporting enterprises and ways of their elimination. American Journal of Economics and Business Management, 2(3), 44-56.
16. Казаков О.С. Improving the management activity of the fruit and vegetable industry . Журнал "Theoretical & Applied Science" № 12/ 2018 enterprises.
17. Казаков О.С. The Role of the Textile Industry in the Economy of Uzbekistan Журнал Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec – 2019
18. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ. Архив научных исследований, 1(2).извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3725>
19. Катъкало В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. –СПб.: Издат. дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006. – 290 с.
20. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.
21. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. Тошкент, 2020 й. 190 б.
22. Эндрю Харгалон. "Управление инновациями. Опыт ведущих компаний" Учебник.-М.: ООО "И.Д.Вильяма". 2007-304с.
23. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
24. [www.agro.uz](http://www.agro.uz) сайти маълумотлари.